

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING А Ж Р И М И

2025 йил сентябрь ойининг 23 куни, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг биносида, апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида, Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси М.Очилованинг раислигида, ҳайъат судьялари О.Шукуров ва С.Содиқовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Омоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори Х.Каримов, бўлим прокурори Н.Сармонов, судланувчи С.А. ва унинг ҳимоячиси-адвокат З.Эшмуродов ҳамда жабрланувчи С.Ҳамраевнинг иштирокида, суд ҳукми устидан судланувчи С.А. ҳамда жабрланувчи С.Ҳамраевнинг берган апелляция шикоятларини 1-1805-2501/76-сонли жиноят иши ҳужжатлари билан кўриб, қуйидагилар

### а н и қ л а н д и:

Жиноят ишлари бўйича Ғузор туман судининг 2025 йил 2 майдаги ҳукмига асосан:

А.С.С., 1990 йил 30 март куни Тошкент шаҳар Миробод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, “Худудгаз” таъминоти логистика бошқармаси корхоналардан суюлтирилган газни қабул қилиш етакчи муҳандиси, судланмаган, Тошкент шаҳар Миробод тумани, “Оқ-билал” МФЙ, Бешкент 1-берк кўчаси 55-уйда яшайди, муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси ва ҳукм нухасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддасининг 1-қисми билан айбли топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жабрланувчи С.Ҳамраевга етказилган зарарлар бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик суд иш юритиш тартибида муурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.А. 2023 йил 19 август куни соат 11ларда худудгаз таъминот Қашқадарё филиали ҳайдовчиси С.Ҳамраев билан аввалдан давом этиб келаётган зиддияти сабабли тортишиб қолиб, бир бирини уятли сўзлар билан ҳақорат қилганидан кейин С.Ҳамраев билан Ғузор тумани “Қоракўл” МФЙ Шўртан кўрғончаси худудидаги катта йўлнинг чет қисмида кўришишга келишиб, катта йўлни четки қисмига бориб, С.Ҳамраевга нима сабабдан уни ҳақорат қилганини сўраб, тортишиб қолиб, жанжал вақтида С.Ҳамраевнинг юз ва оёқ қисмига бир неча маротаба уриб, қасддан баданига ўртача оғир тан шикасти етказган.



РСТЭИАМ Қашқадарё филиалининг 2025 йил 21 февралдаги 6-Қўш сонли хулосасида, С.Ҳамраевнинг танасида ёпиқ калла мия шикастланиши, бошининг пешона, чап ёноқ, бурун усти қирраларидаги қонталашлари кўринишидаги тан жароҳатлари аниқланганлиги ушбу жароҳатларни ҳосил бўлиш муддати соғлиқни қисқа муддатга, яъни 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига олиб келган енгил шикасти гуруҳига киришлиги; С.Ҳамраевни чап тизза бўғими гамартрози, чап тизза бўғими боғламларини чўзилиши кўринишидаги жароҳатлари соғлиқнинг йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган ўртача оғир шикасти гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи С.А. шикоятда, жабрланувчида мавжуд жароҳатлар бўйича экспертиза хулосаларида тафовутлар мавжудлиги, фақат экспертиза хулосасига таянган ҳолда ҳукм чиқарилганлиги, аслида С.Ҳамраевнинг оёқ соҳасига урмаганлиги, унга ўртача оғир тан жароҳат етказмаганлиги сабабли ҳукми бекор қилиб, ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Жабрланувчи С.Ҳамраев шикоятда, судланувчи С.А. қасддан уриб, тан жароҳати етказганлиги оқибатида моддий ва маънавий зарар етказганлиги, ҳанузгача зарарларни тўламасдан келаётганлиги, судланувчи С.А.га нисбатан суд ҳукмини бекор қилиб, унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди иш бўйича судья М.Очилованинг маърузасини, жабрланувчи С.Ҳамраевнинг ўзининг шикоятини қаноатлантириш, судланувчи С.А.нинг шикоятини рад қилиш, судланувчи С.А. ва ҳимоячи-адвокат З.Эшмуродовнинг ўзининг шикоятини қаноатлантириш, жабрланувчининг шикоятини рад қилиш, прокурор Н.Сармоновнинг шикоятларни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, апелляция шикоятларда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари ва апелляция инстанцияси судида аниқланган ҳолатлар асосида муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтама келди.

Судланувчи С.А. апелляция инстанцияси судида, ўзининг шикоятни қувватлашини, жабрланувчининг шикоятига қўшилмаслигини, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, С.Ҳамраевнинг юзига урганига иқдорлигини, лекин С.Ҳамраевнинг оёғига тепмаганлигини, С.Ҳамраев оёғидаги жароҳатини жанжалдан олдин воллейбол ўйнаб, йиқилиб олганлигини, бу бўйича даволаниб чиққанлигини билдириб, суд ҳукмини бекор қилиб, ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Жабрланувчи С.Ҳамраев апелляция инстанцияси судида, ўзининг шикоятини қувватлашини, судланувчининг шикоятига қўшилмаслигини, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, унинг оёғига ҳам С.А. жароҳат етказганлигини, ундан дастлабки аризасини профилактика инспектори ёздириб олганлигини, ўшанда ҳам қўлида ҳассаси бўлганлигини, уни дастлаб экспертизадан ўтказган экспертга ҳам С.А. тиззасидан тепганлигини айтганлигини, ўшанда эксперт маст ҳолда бўлганлиги сабабли, унинг бу сўзларини ёзмаган бўлиши мумкинлигини, дастлабки тушунтириш хатини тасдиқламаслигини, ҳодиса содир бўлган вақтда С.А.нинг 6 йиллик ҳайдовчиси О.Исмоиловдан бошқа ҳеч ким бўлмаганлигини, у жами 3 марта



экспертизадан ўтганлигини, С.А. оёғига тепганидан сўнг, тиззалаб ўтириб қолганлигини, 21 март куни йиқилиб, жароҳат олганлигини тасдиқлашини, ҳақиқатда жанжалдан сўнг К.Шукуровга телефон қилиб, у билан гаплашганлигини, К.Шукуров унга юзини расмга тушириб ташлашини айтганлиги сабабли, фақат юзини расмга тушириб ташлаганлигини билдириб, С.А.га нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни сўради.

Гарчанд, судланувчи С.А. айбига қисман иқрорлик билдирса-да унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилганликдаги айби;

гувоҳ А.Асадовнинг биринчи инстанция судида, 2023 йилнинг 19 август куни йўлда кўприкнинг ёнида таниши С.Ҳамраевнинг юк автомашинаси йўлнинг устида тўхтаб турганлигини кўриб, автомашинасини тўхтатганида танишлари С.А. ва С.Ҳамраевлар тортишиб турганлигини кўрганлиги, С.Ҳамраев С.А.ни темир билан қувлаганлиги, ким кимни урганини кўрмагани, С.Ҳамраевни қандай жароҳат олганини кўрмагани, унинг юзида қизариш бўлганлиги, бироқ, оқсаганлигини кўрмаганлиги, уларни ажратиб қўйганлиги, С.Ҳамраев ўзига тегишли бўлган автомашинасига миниб кетганлиги ҳақидаги;

гувоҳ А.Салимовнинг биринчи инстанция судида, 2023 йилнинг 19 август куни йўлда кўприкнинг ёнида таниши С.Ҳамраевни юк автомашинаси ва А.Асадовни автомашинаси йўлни устида тўхтаб турганлигини кўрганлиги, автомашинасини тўхтатганида С.А. ва С.Ҳамраев ёқалашиб бир-бири билан оғзаки равишда бир-бирини ҳақорат қилиб турганлигини кўрганлиги, уларни ажратганлиги, С.Ҳамраевнинг қўлида темир бўлганлиги, ким кимни урганини кўрмагани, С.Ҳамраев жароҳат олганини кўрмагани, у олдиндан оқсоқланиб юриши, С.Ҳамраев уларни устидан ҳам ИИБга ёзиб берганлиги, уларни уришганини кўрмаганлиги, С.Ҳамраев ўзига тегишли автомашинасига ўзи юриб бориб, миниб кетганлиги ҳақидаги;

гувоҳ О.Исмоиловнинг биринчи инстанция судида, 2023 йилнинг 19 август куни С.А. унга кўчага бориб келишларини айтганлиги, бошқарувида бўлган “Дамас” русумли 70534ВВА давлат рақамли автомашинасини бошқариб олдинга С.А.ни миндириб, С.Ҳамраевнинг ёнига боришганлиги, шу вақти уларни кузатиб турганлиги, С.А.га нима сабабдан уни уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлигини айтганлиги, уларни ўртасида ўзаро тортишув чиқиб ўзаро жанжаллашиб қолишганлиги, С.Ҳамраев С.А.нинг кўйлагини йиртганидан кейин С.А. С.Ҳамраевнинг юз қисмига мушти билан бир маротаба уриб юборганлиги, уларни ажратиб қўйганлиги, шу вақтида ҳамкасблари А.Салимов ва А.Асадовлар келиб қолишиб, уларни ажратиб қўйишганлиги, С.Ҳамраев қўлидаги темири билан С.А.ни қувлаб кетганлиги, С.Ҳамраев С.А. урганидан кейин йиқилмагани, тиззалаб қолмагани, С.Ҳамраев автомашинасига ўтириб кетиб қолганлиги ҳақидаги;

гувоҳ И.Хамидовнинг биринчи инстанция судида, Ғузор тумани ИИБ ЖХХ ҚПБ профилактика инспектори А.Умидовни 2023 йилнинг 23 августдаги қарорига асосан 2023 йилнинг 28 август куни С.Ҳамраев унинг хизмат хонасига тиббий кўрикдан ўтиш учун келганлиги, С.Ҳамраев ва унинг касаллик тарихида ёпиқ калла мия шакастланиши ва бош мия чайқалиши бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш мақсадида уни кўшимча кўрик учун 2023 йилнинг 18 сентябрь куни РШТЁИАМ Қашқадарё филиали неврохирургия бўлимига



юборганлиги, алоқа хатига асосан орадан 3-4 кун ўтганидан кейин мутахассисдан касаллик тарихи ҳужжатларига кўра ҳамда беморни ўзини кўриб касаллик тарихида бор камчиликлар ёзилганлиги, “ёпиқ калла мия шикастланиши, бош мия чайқалиши” содир бўлмаганлиги инкор қилиниши ҳақида хулоса олганлиги, мутахассис томонидан кўрсатилган хато ва камчиликларда бош мия чайқалиши бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиб, 2023 йил 25 сентябрдаги 3321/297-Хам-сонли хулосасида, С.Ҳамраевнинг танасида “Бошни пешона, чап ёноқ, бурун, чап кўз пастки қовоқ соҳаларидаги қонталашлар”-кўринишидаги жароҳатлари аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра, соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган енгил тан шикасти туркумига кириши, номига юритилган тиббий ҳужжат маълумотларида қайд этилган “Чап тизза бўғими гемартрози, чап тизза бўғими ички бойламларини йиртилиши” бўлганлиги ҳам унда тан жароҳати олган вақтда бош мия чайқалиши бўлмаганлиги сабабли тан жароҳатини оғирлик даражасини баҳолашда инobatга олинмаганлиги кўрсатилганлиги, қўшимча текширувда гемартроз бўлганлиги аниқлангани, гемартроз бўлганда тиззада оғриқ бўлса-да, ҳаракатланиши мумкинлиги, ҳаракати чекланиши, тизза бўғими жароҳати буралиши натижасида ҳам бўлиши мумкинлиги, оёғини қайириб олганида ҳам келиб чиқиши мумкинлиги, гемартроз жароҳати борлигини 2та хулосада ҳам кўрсатганлиги ҳақидаги;

гувоҳ К.Шукуровнинг биринчи инстанция судида, 2000 йилдан буён ҳудудгаз Қашқадарё газ таъминоти филиалида турли лавозимида ишлаб келиши, 2023 йилнинг 19 август куни соат 10ларда иш жойига ўтирганида ҳудудгаз таъминоти логистика бошқармаси корхоналардан суюлтирилган газни қабул қилиш етакчи муҳандиси бўлиб ишловчи С.А. қўнғироқ қилиб, С.Ҳамраев билан ишлаб бўлмаслигини, у ҳаддидан ошаётганлигини айтиб, унга ўзига тегишли бўлган телефонида Сирожиддин уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлиги ҳақида овозли ёзувларини ташлаб, шундан кейин С.Ҳамраевни урмоқчи бўлиб бораётганлигини айтиб телефонни ўчирганлиги, орадан бир ярим соатлар чамаси вақт ўтгач С.Ҳамраев телефон рақамига очилган телеграмм ижтимоий тармоғига С.А. уни урганлигини айтиб, видео ташлаганлиги, ушбу видеода С.Ҳамраевни чап томон кўз қисми кўкариб, гўррача бўлиб шишиб турганлигини кўрганлиги, С.Ҳамраев қўнғироқ қилган вақтида унга онадан сўкса бирон бир эркак ҳам қўймаслигини айтганлиги, у оёғига тепганлиги, оёғидан жароҳат олганлигини айтмаганлиги ҳақидаги;

гувоҳ Ю.Абдуллаевнинг биринчи инстанция судида, Ғузор туман тиббиёт бирлашмасида шифокор бўлиб ишлаб келиши, 2008 йилдан буён Ғузор тумани тиббиёт бирлашмасида травматолог шифокор сифатида ишлаб келиши, С.Ҳамраевни 2023 йилнинг 19 август куни соат 14:25ларда Ғузор тумани тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонага қабул қилинганлиги, С.Ҳамраев бош оғриғи, бош айланиши, жароҳат соҳаларида оғриқ, нафас олишга қийналиш, чап тизза бўғимида ҳаракат қийинлиги, чап тизза бўғимида кучли оғриқ шиши, безовталик ва умумий дармонсизликдан шикоят қилиб келганлиги, С.Ҳамраев ўзининг сўзидан касаллигини 19 август кунидан бошлангани айтганлиги, уни Шўртан кўрғони яқинида ўзига таниш фуқаролар урганлигини айтганлиги, С.Ҳамраевнинг аҳволи ўрта оғир деб баҳолаганлиги,



С.Ҳамраевни дастлабки кўрик жараёнида бемор тан жароҳати олганидан кейин бир муддат хушини йўқотганлиги, ўзини беҳузур ҳис қилаётганлиги, чап тиззасида оғриқ борлиги ҳақида айтганлиги, кўрик вақтида бемор С.Ҳамраевнинг чап тиза соҳаси шишиб кетганлиги, тизза бўғимининг ҳаракати чекланганлиги аниқлангани, С.Ҳамраевнинг бош, пешона, чап ёноқ, бурун асоси, чап қовоқ соҳаларида гематомалар борлиги аниқлагани, шу сабабли, С.Ҳамраевга калла ва миянинг ёпиқ шикастланиши, бош мия чайқалиши, бош пешона чап ёноқ, бурун асоси чап пастки қовоқ гематомалари, чап тизза бўғими боғламларининг чўзилиши, чап тизза бўғими гемартрози, тана юмшоқ тўқималарини лат ейиши каби дастлабки ташхис қўйиб, чуқурлаштирилган тиббий кўрик ва даволаш ишларини бошлаганлиги, С.Ҳамраев тиббий ҳужжат маълумотига кўра ва уни текширувдан тўлиқ ва мукамал ўрганилиб, “ёпиқ калла мия шикастланиши, бош мияни чайқалиши” содир бўлмаганлиги инкор қилиниши яъни ёпиқ калла мия шикастланиши, бош мияни чайқалиши тўғри ва асосли ташхис қўйилганлигини билдирганлиги, гемартроз бўғим бўшлиғига қон қўйилиши касаллиги, нормал ҳолатда бўғимга қон қўйилиши бўлмаслиги, бевосита ва билвосита таъсир натижасида бўлиши, ташқи таъсир, тепиш, уриш, йиқилиш, қайрилиш натижасида ҳам бўлиши мумкинлиги, ўз вақтида даволанмаса, тизза бўғимлари бойламлари, “связка”лари жароҳатланган бўлса, кўпроқ даволаниш кераклиги, бошқа касалликка олиб келиши мумкинлиги, ўша ҳолича қолиб кетмаслиги, агар С.Ҳамраев март ойида гемартроз касаллигига чалинган бўлса, август ойигача шу ҳолатда қолиб кетмаслиги, бошқа касалликка айланиб кетиши, артроз касаллигига айланиб кетиши, тизза бўғими уч ҳисса шишиб кетиши, С.Ҳамраевнинг гемартрози август ойида келиб чиққан янги ҳолат эканлиги, агар чала даволаниш бўлса, оёқ бўкилмаслиги, тиббиётда сурункали гемартроз йўқлиги, касаллик қайталанмаслиги, С.Ҳамраевни касаллигини кўз билан кўриб, аниқланганлиги, функция қилинганида қон чиқса, гемартроз ташхиси қўйилиши, нормал бўғимда қон бўлмаслиги, МРТ қилиш шарт деган жойи йўқлиги, гемартрознинг давомийлиги 3-4 марта пункция қилиниши, 18-21 кунга гипс қилиб қўйиши, гемартроз бўлганда, бемор бемалол юра олиши, ҳаракат қила олиши, лекин беморнинг ҳаракати чекланиши, шифокорлар ҳам чеклаши, С.Ҳамраев март ойида гемартроз бўлганида, август ойигача соғлиги ёмонлашиб кетиши ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, ариза, тушунтириш хатлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, тушунтириш хатлари, экспертиза хулосалари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг сўроқ қилиш баённомаси каби объектив далиллар билан исботланган.

Судланувчи С.А.га оид жинойт ишини апелляция инстанциясида кўриш жараёнида ҳимоячи-адвокат З.Эшмуродов томонидан, ишда мавжуд хулосалар илмий асосланганлиги ҳолати ҳамда жароҳатларни етказилиш механизмини аниқлаш мақсадида комиссиявий экспертиза ўтказиш ҳақида илтимоснома киритилган.

Ишда мавжуд 2025 йил 21 февралдаги 6-ҚЎШ-сонли суд-тиббий экспертизаси хулосасида, фуқаро С.Ҳамраевнинг номига берилган мутахассислар фикрларидаги номутаносиблик юзага келганлиги, мутахассислар томонидан ўтказилган даво-муолажалар, инструментал текширувлар, қўйилган





меъёрда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб ҳамда жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича фуқаровий тартибда даъво қилиш ҳуқуқини тушунтириб, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилган.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш жараёнида ҳам жабрланувчи С.Хамраев томонидан унга моддий зарар етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмади.

Бундай ҳолда жабрланувчи С.Хамраевнинг шикоятдаги моддий ва маънавий зарарлар қопланмаганлиги, судланувчи С.А.га нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлаш ҳақидаги важларини асоссизлиги сабабли рад қилинади.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи С.А. 2023 йил 19 август куни С.Хамраев билан аввалдан давом этиб келаётган зиддияти сабабли тортишиб қолиб, бир-бирини уятли сўзлар билан ҳақорат қилганидан кейин С.Хамраев билан тортишиб қолиб, жанжал вақтида С.Хамраевнинг юз ва оёқ қисмига бир неча мартаба уриб, қасддан баданига ўртача оғир тан шикасти етказган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддаси 1-қисмининг “а” бандида, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтган бўлса шахс жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 2-бандида, мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса, суд жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқариши; 468-моддасида, судланувчи жазони ўташдан озод қилинган бўлса, бу ҳақда ҳукмининг қарор қисмида кўрсатилиши қайд қилинган.

Судланувчи С.А.га оид жиноят иши апелляция инстанциясида кўриш учун 2025 йил 10 июнда тайинланиб, судлов ҳайъатининг 16 июндаги ажримига асосан жабрланувчи С.Хамраевнинг тан жароҳатлари юзасидан қайта судга оид тиббиёт экспертизаси тайинланиб, ижро қилиш учун юборилган ҳамда С.А.га оид жиноят иши экспертиза хулосаси билан бирга 2025 йил 18 сентябрда судлов ҳайъатига келиб тушган.

Эндиликда, судланувчи С.А. жиноят содир қилган кундан бошлаб ҳозирги кунга қадар икки йилдан ортиқ вақт ўтган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди, судланувчи С.А.га оид суд ҳукмини ўзгартириб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми “а” бандига асосан жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисмининг 2-бандига мувофиқ жазо тайинламасликни, суд ҳукмининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 463, 482, 485, 495, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup> ва 497<sup>36</sup>-моддаларига асосан апелляция инстанцияси суди

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Ғузор туман судининг 2025 йил 2 майдаги А.С.С.га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.



С.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 463-моддасининг 3-қисми 2-бандига асосан жазо тайинланмасин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз, шикоятлар қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд қароридан норози тарафлар биринчи инстанция суди орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

М.Очилова

Ҳайъат судьялари

О.Шукуров

С.Содиқов

